Куч — адолатда

2011 йил,
17 март,
пайшанба
№ 10-11 (317)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.



ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Наврўзи олам шукуҳи дилларимизга завқу шавқ, ҳаётимизга ранг-баранглик бахш этмоқда

Қуёш оламга заррин нурларини сочмоқда. Табиат уйғониб, борлиқ тобора жонланаётир. Кўкламнинг илк даракчиси — бойчечак қўлларданқўлларга ўтиб, кўклам тароватини намоён этаётир. Дошқозонларда сумалаклар пиширилиб, эл-юртга улашилмоқда. Ҳар жабҳада яшариш, янгиланиш, яратиш туйғуси ҳукмрон. Халқимиз ана шундай эзгу орзулар, шукроналиқ, яратувчилик ҳисси билан мустақил Ватанимизнинг йигирманчи баҳорини қаршиламоқда. Ушбу фаслнинг гўзал айёми Наврўзи оламни нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқда.



Йигирманчи баҳор...

Бу инсон умрига қиёс этилганда, энг навқирон, куч-қудрат, ғайратга тўлган давр. Юртимизнинг бугунги бетимсол салоҳияти — чирой очаётган қишлоқларимиз, обод ва озода шаҳарлар, жамиятнинг барча тармоқларида юз кўрсатаётган иқтисодий ўсиш суръатлари, халқимизнинг кўнглидаги келажакка бўлган юксак ишонч туйғуси ана шу камолот даврининг мевасидир.

Дарҳақиқат, юртимизда тарихан қисқа вақт — 20 йилда асрларга татигулик ютуқларга эришилди. Мустақил Ватанимиз ўзининг йигирманчи баҳорини халқимизнинг онг-тафаккуридаги туб ўзгаришлар, жамиятнинг барча соҳаларида катта-катта ютуқлар билан қаршиламоқда.

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2010 йилда 8,5 фоизни ташкил этгани, аҳолининг реал даромади 123,5 фоизга ошгани, жаҳон миқёсида кечаётган молиявий инқирозга қарамай, юртимиз иқтисодиёти тобора ривожланиб бораётгани тараққиётимизнинг ўзига хос салмоқли одимларидан далолатдир. Бу ютуқларимиз халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётгани фахр-ифтихоримизни оширади.

Юртимиздаги тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳити, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, юртга фидойилик туйғуси, меҳнатсеварлик, яратиш ва ижодкорлик ҳисси бу ютуқларнинг муҳим омили бўлаётир.

Айтиш керакки, бундай муваффақиятларга осонлик билан эришилгани йўқ. Қиёс учун йигирма йил олдин, истиқлолга эришилган илк даврларни бир эслайлик. Эндигина тетапоя бўлаётган бизнинг Ватанимиз каби мустақил давлатларга айрим қудратли давлатлар ва сиёсий марказларнинг манфаатларига хизмат қиладиган таги пуч тавсияларни жорий этишга уринишлар кучайган бир вазиятда озодлигимизни қатъий туриб ҳимоялаш, узоқни кўзлаб оқилона сиёсат олиб бориш ниҳоятда долзарб вазифага айланган эди.

Президентимиз раҳнамолигида шундай вазиятларда четдаги «маслаҳатчи»ларнинг тавсияларига эмас, балки халқимизнинг хоҳиш-иродасига таянилгани, юртимиздаги вазиятдан келиб чиқиб, оғир-вазминлик билан пухта ўйланган сиёсат юритилгани бугунги тараққиётимизнинг пойдевори бўлди.

(Давоми иккинчи бетда)

Qadriyat

Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!

Ўлкамизга янгиланиш ва яшариш фасли — баҳор кириб келди. Ушбу фаслнинг гўзал айёми — Наврўзи олам ҳам тобора яқинлашмоқда. Халқимиз тарихи ва маданиятининг бир бўлаги бўлган Наврўз қадимий, шу билан бирга ҳар йили янгиланиб, яшариб келадиган навқирон байрамдир.

Тарихий манбаларда, жумладан, Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Беруний, Умар Ҳайём, Алишер Навоий каби алломаларнинг асарларида Наврўз байрами, у билан боғлиқ урф-одатлар ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. Хусусан, Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадим халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида бу байрамнинг келиб чиқиши, тарихи ҳақида фикр юритади.

Асрлар мобайнида Наврўз катта майдонларда, сайлгоҳларда зўр тантана билан нишонланган. Фақат шўролар даврида бу байрам таъқибга учради, миллат ҳаёти ва хотирасидан буткул ўчириб ташлашга ҳаракат қилинди. Мустақилликдан кейин яна ҳаётимиздан ўз ўрнини топган, янгича мазмун ва моҳият касб этиб бораётган ушбу миллий байрамимиз бугун чинакам умумхалқ шодиёнасига айланди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **Наврўз халқимизнинг юрагини ва ёруғ туйғуларини, ўлмас руҳи ва маънавиятини ўзида ёрқин намоён этадиган энг қадимий, энг ардоқли, асл миллий байрамимиздир.**

Ана шундай бебаҳо ва табаррук айёмимизнинг ўзига хос хусусиятлари, у билан боғлиқ маросим ва урф-одатлар халқимиз томонидан яратилган, оғизданоғизга ўтиб бизгача етиб келган фольклор санъатида тўлиқ ўз ифодасини топган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган кўламли ислоҳотлар жараёнида кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга тадбиқ этилаётир. Жумладан, фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ҳам ушбу ислоҳотлар жараёнининг узвий қисмига айланиб бормоқда.

Huquqiy ma`rifat

Инсон манфаатлари муҳофазаси

фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш шу мақсадга хизмат қилади

Президентимизнинг 2010 йил 16 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»** номли маърузасида ҳам мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш эканлиги алоҳида таъкидланган ва бу борадаги вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида қатор ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш таклиф этилган.

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йиллари да Фуқаролик процессуал кодексининг қабул қилиниши ҳамда уни янада такомиллаштиришга қаратилган қонун ижодкорлиги, аввало, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият эканлигини ҳамда жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. 1997 йил 30 августда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексида фуқаролик процессуал ҳуқуқининг етакчи принциплари, хусусан, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги, судда иш кўришнинг бевосталиги ва оғзакилиги, фуқаролик ишларининг якка тартибда кўрилиши каби принциплар мустаҳкамлаб қўйилди.

(Давоми учинчи бетда)

Burch va majburiyat

Суд қарори

унинг ижросини таъминлаш барча учун мажбурийдир

Маълумки, мамлакатимизда суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда фаолият юритади. Яъни суд ҳокимияти фаолияти мамлакатимизда қонун устуворлиги, ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Амалдаги «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида «Суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этилиши шарт» деб қатъий белгилаб қўйилган. Бажарилиши мажбурий бўлган суд ҳужжатлари ижросини таъминламаслик эса, албатта, изсиз кетмайди. Аниқроқ айтганда, суд қабул қилган ҳужжатлардан бўйин товлаш ёки ижро этилишига тўсқинлик қилиш жазога сабаб бўлади.

Шу ўринда фуқаро А.Қодировнинг суд қарорлари ижроси бажарилиши мажбурийлигига беписанд муносабатини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Гап шундаки, А.Қодиров жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2010 йил 1 апрелдаги ҳукми билан Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми «г» бандига асосан айбли деб топилган ва унга нисбатан ҳар ойлик иш ҳақининг йигирма беш фоизини давлат даромади фойдасига ушлаб қолиш шарти билан уч йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган.

Яқинда мазкур шаҳар судининг очиқ суд мажлисида туман ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси жазони ижро этиш инспекциясининг А.Қодировга тайинланган ахлоқ тузатиш иши жазосини озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо билан алмаштириш тўғрисидаги тақдимномаси кўриб чиқилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бир саналган шартномавий муносабатларни тартибга солишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, амалдаги Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунда шартномавий муносабатлар тўлиқ ўз ифодасини топган.

Qonun ko`magi

Шартномавий муносабатлар

томонлар манфаатига хизмат қилади

Айтиш керакки, ушбу қонунларда хўжалик шартномаси тушунчаси, шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шартномавий муносабатларнинг асосий тамойиллари, хўжалик шартномаси субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, жавобгарлик масаласи аниқ белгилаб қўйилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Давлат божи

у қандай ҳолларда ундирилади?

Аввало шуни айтиш керакки, Солиқ кодексининг 326-моддасида қайд этилганидек, юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ёки бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассаса ва мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўлов давлат божи ҳисобланади. Суд ҳаражатларини қоплашда ундириладиган давлат божи алоҳида ўрин тутади.

Давлат божи деганда, судларга даъво аризалари, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятлар, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалар, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция, кассация тартибида шикоятлар ва назорат тартибида протест келтириш тўғрисида аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисида аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида аризалар берганлик, шунингдек, судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхалари берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорда тўланадиган пул тушунилади. Фуқаролик судларида ундириладиган давлат божи ставкалари Вазирлар Маҳкамасининг **«Давлат божи ставкалари»** тўғрисидаги қарорида белгиланган бўлиб, ушбу қарорга мувофиқ судларга бериладиган даъво аризаларидан, алоҳида кўриладиган ишлар бўйича ариза (шикоят)лардан, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи ишлар бўйича судларга бериладиган шикоятлардан, судларнинг қарорларига кассация ва назорат шикоятларидан, шунингдек, судларнинг ҳужжатларидан нусхалар берилганлиги учун белгиланган миқдорда ундирилади.

(Давоми учинчи бетда)

Burch va majburiyat

Суд қарори

унинг ижросини таъминлаш барча учун мажбурийдир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Тақдимномада маҳкум А.Қодировга суд ҳукми билан тайинланган ахлоқ тузатиш иши жазосини ўташ тартиб-қоидаси тушунтирилган бўлса-да, у жазо муддатининг белгиланган қонуний талабларини бажармасдан жазони ўташдан бўйин товлаётгани баён қилинган. Судда сўралган маҳкум А.Қодиров тақдимномада қайд этилган фикрларни тан олди. У туман ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси жазони ижро этиш инспекцияси рўйхатида туришини, ички ишлар ходимлари уни бир неча маротаба расман огоҳлантиргани, ишга жойлашиш учун инспекция томонидан йўлланма берилган бўлса-да, у бориб учрашмаганлиги, ахлоқ тузатиш жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаб келганига иқрор бўлиб, ўзига яна бир марта имконият беришни сўради.

Аммо у суд ҳужжати ижросини бажаришдан бўйин товлаган. Шу боис суд Жиноят кодексининг 46-моддаси 4-қисмида белгиланган **«агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишларининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради»** деган меъёрга асосланиб иш тутди. Суд ҳукми билан А.Қодировга нисбатан тайинланган уч йил ахлоқ тузатиш иши жазоси суд ажрими билан озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилди.

Суд ҳужжати ижросига беписанд қараш Р.Шокировга ҳам қимматга тушди. У Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди, 209-моддаси 1-қисми билан айбли топилиб, Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан уч йил олти ойга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганди. Суд унга нисбатан Жиноят кодексининг 72-моддасини қўллаб тайинланган жазони шартлига алмаштирган ва икки йил синов муддати белгилаганди. Ҳукмга кўра, жиноят оқибатида Жиззах шаҳар молия бўлими халқ таълими мактабгача муассасаси бўлимига етказган 6 миллион 263 минг 704 сўм зарарни Р.Шокиров уч ой муддат ичида тўлаши лозим эди. Белгиланган муддат ўтган бўлсада, Р.Шокиров қилмиши оқибатида етказган зарар ўрнини қоплаш чорасини кўрмаган.

Жиноят кодексининг 72-моддаси 6-қисмида **«агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин»**лиги қайд этилган.

Суд туман ички ишлар бўлимининг Р.Шокировга нисбатан тайинланган жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисидаги тақдимномасини қаноатлантириш тўғрисида ажрим чиқарди. Синов муддати бекор қилиниб, Р.Шокиров умрининг уч йилу олти ойини умумий тартибли колонияларда ўтказадиган бўлди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, суд ҳужжати ижро этилиши барча учун мажбурийдир. Акс ҳолда у юқоридаги сингари ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Зотан, суд қарори ижроси билан кучли.

Қаҳрамон ХОЛМУРОДОВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг раиси

Ауоот

Ободлик кўнгилдан бошланади

Наврўзи олам шукуҳи дилларимизга завқу шавқ, ҳаётимизга ранг-баранглик бахш этмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ана шундай интилишлар, халқимизнинг дилидаги эзгу умидларини рўёбга чиқариш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли қисқа даврда хомашё етиштирувчи мамлакатдан саноати ривожланаётган, иқтисодиёти кундан-кун тараққий этаётган мамлакатга айландик.

Йигирма йиллик мустақил тараққиёт мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани бунинг далилидир. Бу ютуқларнинг барчаси энг бебаҳо неъмат — тинчлик-тотувлик мевасидир. Зеро, фақат осойишталик, инсонлараро меҳр-оқибат, хайр-саховат бор жойда ўсиш бўлади, дастурхонларимиз тўкин, ризқимиз бутун бўлади.

Атроф-муҳит янгиланаётган шу кунларда бу бебаҳо неъматларнинг ҳаётимиздаги аҳамияти янада яққол намоён бўлаётир. Шу кунларда халқимиз бир жону бир тан бўлиб, кўкламнинг табаррук шодиёнаси — янгиланиш ҳамда яшариш айёми Наврўзи оламни нишонлашга қизғин тараддуд кўрмоқда. Ҳовлиларда, кўп қаватли уйлар атрофида, қишлоқ ва маҳаллаларда, боғларда, хиёбонларда, далалару даштларда мевали ва манзарали ниҳол ўтқазиш ишлари давом этяпти. «Маҳалла» жамғармасидан маълум қилишларича, халқимизнинг ушбу саъй-ҳаракати билан бугунги кунгача 110 гектардан зиёд майдонга 53 минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчати экилди. Демак, юртимиз бўйлаб яна кўплаб янги боғлар, яшил майдонлар барпо этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 мартдаги 124-фармойиши бу хайрли ишларга янгича руҳ бахш этмоқда. Унга кўра, юртимизда март-апрель ойлари ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ойликлари деб эълон қилинди. 12-13 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Бундан кўзланган мақсад — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш, Наврўз умумхалқ байрамини кўтаринки руҳда нишонлаш, юртимизда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, маҳаллалар ҳудудлари ва аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш, республикамиздаги санитария-эпидемиология муҳитини янада яхшилаш, **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишдан иборат.

Ҳашар кунлари халқимизнинг ўзаро ҳамжиҳатлик, инсонийлик, юртимиздаги тинчлик-тотувлик, осойишталик, фаровонликни асраш ва қадрлашга бўлган интилиши яна бир карра намоён бўлди. Унда 17 миллиондан зиёд юртдошимиз якдиллик билан фаол иштирок этгани бунинг исботидир. «Маҳалла» жамғармаси ва унинг жойлардаги тузилмалари ҳузурида ташкил этилган ишчи гуруҳлар ҳашарчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб борди.

«Маҳалла» жамғармасидан олинган маълумотга кўра, ҳашарчиларнинг саъй-ҳаракати билан ўттиз беш минг гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилди. Қишлоқ ва маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар, иш жойлари, уйлар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳларнинг файзига файз қўшилди. 26 минг километр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди. Ўттиз уч миллион тупдан кўпроқ мевали, манзарали дарахт, тут ва гул кўчатлари ўтқазилди.

Ободлик кўнгилдан бошланади. Умумхалқ хайрия ҳашари кунлари бу қадриятлар янада яққол намоён бўлди.

Умумхалқ хайрия ҳашари кунлари **«Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига 20 туп кўчат — менинг тухфам»** лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳам янада кенгайди. Халқимизнинг ушбу саъй-ҳаракати билан бугунги кунгача 110 гектардан зиёд майдонга 53 минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчати экилди. Яқин кунларда бундай ҳудудлар ўн минг гектардан кўпроқ майдонга кенгайиши режалаштирилаётир.

Ҳашарга пойтахтимиз жамоатчилиги ҳам ўзининг муносиб улушини қўшди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари пойтахтимизнинг чиройига янада чирой ва файз қўшиш мақсадида илгари сурган **«Озода шаҳрим»** дастурини амалга ошириш ташаббуси шаҳарликлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Умумхалқ хайрия ҳашари кунлари бу тадбирлар янада жонланди. Аҳоли кўчалар, хиёбонлар, ҳовлилар, кўп қаватли уйлар атрофида тозалаш ишларини олиб борди. Бўш ерларга янги ниҳоллар экилди. Бундай тадбирларда ёшларимиз ҳам фаол иштирок этди.

— Ҳашар тадбирлари ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, азалий анъаналаримизга эҳтиром уйғотишда, уларни табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлаётир, — **дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор тумани бўлими бош мутахассиси Мадина Халилова**. — Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган умумхалқ ҳашарлари натижасида туманимизда кўплаб янги «Камолот» боғлари» барпо этилди. Ўзбекистон Миллий университети, Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати ҳудудларида, Қорасарой кўчасида, бир қатор мактаб, коллеж ва лицейларда ташкил этилган ана шундай боғларни парваришлашда «Камолот»нинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари фаоллари мутахассисларга кўмаклашмоқда. Умумхалқ хайрия ҳашари доирасида ушбу боғларда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари олиб борилди, кўчаларга ишлов берилди, янги ниҳоллар экилди.

Умумхалқ хайрия ҳашари кунлари одатдагидек бу йил ҳам хайр-саховат ишлари кўлами янада кенгайди. Кексалар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган, кўп болали оилаларга уйжой шароитларини яхшилашда кўмаклашилди, моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳашар кунлари ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» жамғармасининг ҳисоб рақамига ихтиёрий равишда ўтказилди. Бу маблағ **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишга, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга, маҳаллалардаги спорт майдончаларини таъмирлаш ва уларни зарур инвентарлар билан жиҳозлашга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг моддий-техника базасини янада яхшилашга йўналтирилади.

Ҳа, азал-азалдан янгиланиш фаслидан куч-ғайрат олиб, яратувчилик ишига камарбаста бўлган халқимиз бу қадриятларга бўлган садоқат ва дилидаги юксак эҳтиромни яна бир карра намоён этди. Жамики инсонларни, дилларни дилларга, элларни элларга боғловчи боқий ришта — Наврўзи олам шодиёналарига чорлаш орқали ўзлигимизни, бугунги осойишта кунларга бўлган шукроналикни, келажакка бўлган юксак ишончни намоён этаётирмиз. Маънавиятимизнинг ана шу теран томирлари мангу барҳаёт бўлсин!

Баҳор ХИДИРОВА

Qonun ko`magi

Шартномавий муносабатлар

томонлар манфаатига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)



Мамлакатимизда бошқа тармоқлар сингари қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда шартнома муносабатларининг тартибга солинганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги **«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда шартнома муносабатларини такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори билан тасдиқланган Низом меъёрлари қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчисининг шартнома муносабатларидаги устувор мавқеини белгилаб берди. Тузиладиган шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилишининг аниқ муддатларини, мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик меъёрларини назарда тутган.

Бу эса, ўз навбатида, фермер хўжаликлари зиммасига ҳам масъулият юклади. Қишлоқ хўжалигида агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш ҳамда барча турдаги тузилган шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажаришни талаб қилади. Шундагина фермер кўзлаган мақсадига эришади ва мўл-кўл ҳосил етиштиради.

Юқорида зикр этилган қарорнинг 3-бандида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходимлари шартномаларнинг ўз вақтида рўйхатдан ўтказилиши, шунингдек, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан тузилган шартномаларнинг тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан бажарилишини доимий мониторинги олиб борилиши учун шахсан жавобгарлиги белгиланган.

Мазкур қарорнинг 4-бандида Адлия вазирлигига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан **«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»**ги Низом талабларига қатъий риоя этилиши устидан зарур даражада назорат ўрнатиш белгиланган. Вилоят адлия бошқармаси фаолиятининг бир йўналиши ана шу вазифаларни бажаришга қаратилган.

Ўтган 2010 йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва таъминотчи корхоналар ўртасида 57 мингдан ортиқ 22 турдаги шартнома тузилишида амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Шу каби тузилган шартномаларнинг бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилди. Бундан ташқари бошқармамиз томонидан шартномалар ижроси ўз вақтида таъминланиши ҳам назоратга олинган. Бунинг самарасини фермер хўжаликлари манфаатини кўзлаб ўтган йил давомида судларга тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи корхоналарга нисбатан 1 миллиард 923 миллион 59 минг сўмлик 1 минг 206 та даъво аризаси киритилганлигидан ҳам билиш мумкин.

Масалан, Каттақўрғон туманида шартномавий муносабатлар юзасидан мониторинг ўтказиш чоғида «Каттақўрғон пахта заводи» ОАЖ «Шарқ» фермер хўжалиги томонидан етказиб берилган пахта хомашёси учун 8 миллион 125 минг сўм қарздор эканлиги маълум бўлди. Ургут туманидаги «Маржона Меҳринисо Жамол Мирзо» фермер хўжалиги шартнома мажбуриятини вақтида бажарган. Бироқ «Жомбой дон маҳсулотлари» АЖ етказиб берилган ғалла учун 8 миллион 470 минг сўмни тўлашни пайсалга солган. Ёки Пахтачи туманида «Қишлоқхўжаликкимё» туман филиали мутасаддиларининг шартнома шартларига эътиборсиз қараганликлари оқибатида «Элшодбек келажаги барака» фермер хўжалиги олдидаги қарздорлиги 4 миллион 344 минг 500 сўмни ташкил этган.

Вилоят адлия бошқармаси фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб асосий қарзни ундириш юзасидан вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритди. Суднинг ҳал қилув қарорлари билан даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилди.

Маълумки, қишлоқда янги мулкий муносабатлар шаклланмоқда. Мулкдорлар, фермерлар, ишбилармонлар манфаатининг кафолатли ҳимоя қилиниши, шубҳасиз, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли амалга ошишига янада кенг йўл очади.

Абдуваҳоб ОРИПОВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Maslahat

Гаров қачон бекор бўлади?

Фуқаролик кодексининг 283-моддасига мувофиқ, гаров қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

– гаров билан таъминланган мажбурият бекор бўлганида;

– ушбу кодекснинг 274-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган асослар бўлганида гаровга қўювчининг талаби билан;

– гаровга қўйилган ашё нобуд бўлганида ёки гаровга қўйилган ҳуқуқ бекор бўлганида, башарти, гаровга қўювчи ушбу кодекснинг 276-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланган бўлмаса;

– гаровга қўйилган молмулк «кимошди» савдосида сотилган тақдирда, шунингдек, уни сотиш мумкин бўлмаганда ипотека бекор бўлгани ҳақида ипотека тўғрисидаги шартнома рўйхатга олинган реестрга белги қўйилиши керак.

Гаров билан таъминланган мажбурият бажарилиши натижасида ёки гаровга қўювчининг талаби билан гаров бекор бўлганида ихтиёрида гаровга қўйилган мол-мулк бўлган гаровга олувчи уни дарҳол гаровга қўювчига қайтариб бериши шарт.

Qonun barchaga barobar

Адолат

Амалдаги қонунларда уй-жойни тасарруф қилиш ва ундан фойдаланишнинг қатъий меъёрлари белгилаб қўйилган. Табиийки, ушбу талабларига риоя этиб иш кўрган киши асло адашмайди. Аксинча, қонун талабига нисбатан эътиборсизлик эса ортиқча оворагарчилик ҳамда сансалорликка сабаб бўлади.

Яқинда ана шундай узоқ вақтдан буён давом этиб келаётган уй-жой билан боғлиқ бир низоли иш судда қонуний ечимини топди.

Гап шундаки, Термиз шаҳар ҳокимлигининг 1995 йил 20 декабрдаги қарорига кўра, шаҳар бош майдонини ободонлаштириш муносабати билан шу атрофдаги аҳолининг уй-жойлари бузилиб, уларга янги, кўп қаватли бинолардан хонадонлар ажратилади.

Ушбу манзилда узоқ йиллардан буён истиқомат қилиб келаётган Исмат Ҳакимовга (исм-фамилиялар ўзгартирилди) ҳам шаҳарнинг 5-даҳасидаги 42-уйдан бир хонали уй ажратиб берилади.

Бироқ кейинчалик мунтазам равишда ичкиликка ружу қўйган И.Ҳакимов суд қарори билан махсус даволаш-профилактика муассасасига мажбурий даволаниш учун юборилади. И.Ҳакимов шифохонага жойлаштирилгач, Термиз шаҳар ҳокимлиги ўзининг № 1394-сонли қарорига биноан уй-жойни фуқаро Ҳ.Ибодуллаевга ижарага беради. Устига-устак, орадан бир-икки ой вақт ўтгач, ҳокимликнинг 2008 йил 8 февралдаги қарорига кўра, ушбу хонадон Ҳ.Ибодуллаевнинг турмуш ўртоғи Сабоҳат Рамазонова номига хусусийлаштириб берилади.

Ваҳоланки, амалдаги Уй-жой кодексининг 52-моддаси, 2-қисми 6-бандида: «Даволаниш учун даволаш-профилактика муассасаларига жўнаб кетилганда, даволанишда бўлган бутун давр мобайнида фуқароларнинг турар жойлари сақланиб туради», дея қайд этилган.

Сабоҳат Рамазонова орадан кўп ўтмай уй-жойни фуқаро Нодира Соқиевага 898 минг 800 сўмга сотиб юборади. Тарафларнинг мурожаатига кўра, Термиз шаҳар хусусий нотариал идораси нотариуси А.Абдураҳмонова уй-жойнинг олди-сотди шартномасини расмийлаштириб беради.

Huquqiy ma`rifat

Инсон манфаатлари муҳофазаси

фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш шу мақсадга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Суд қарорлари устидан шикоят ва протест келтириш институтига жиддий ўзгартишлар киритилди. Шунингдек, одатдаги суд ишларини юритишдан ўзгача бўлган, суд ишларини ихчамлаштирилган тартибда кўриш ва ҳал этиш, яъни сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш институти жорий этилди.

Фуқаролар ва ташкилотларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш мақсадида апелляция институти жорий қилинди ва кассация институтининг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Фуқаролик ишларини кўриб чиқишни соддалаштиришни назарда тутувчи буйруқ тартибида иш юритишга оид меъёрлар мустаҳкамланди. Шунингдек, судда иш юритиш бўйича вакил сифатида профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши белгиланди ҳамда судда шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллик қилиши мумкин бўлган шахслар таркиби белгиланди.

Фуқаролик процессида эксперт бўлиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар белгиланиб, уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир қоидалар янада такомиллаштирилди.

Умумий юрисдикция судларига тааллуқли бўлган фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг суд амалиётида кўпайиб бораётганлиги фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун янада қулай шарт-шароитлар яратишни тақозо этмоқда. Суд тартиб-таомилларининг соддалаштирилган процессуал шаклларини ишлаб чиқиш, суд ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминловчи процессуал механизмларни янада такомиллаштиришга қаратилган меъёрларни фуқаролик процессуал қонунчилигига киритиш долзарб аҳамиятга эга.

Фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш лозим: биринчи, фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларнинг самарадорлигини ошириш; иккинчи, суд тартиб-таомилларининг соддалаштирилган процессуал шаклларини ишлаб чиқиш; учинчи, суд ишларини тўғри, ўз вақтида кўриш ва ҳал этишни таъминловчи процессуал чораларни янада такомиллаштириш; тўртинчи, суд ҳимоя тизими учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлашда судловга тааллуқлилик қоидаларининг Фуқаролик процессуал кодексида тўлиқ ўз ифодасини топиши ва бир тизимга келтирилиши мақсадга мувофиқ. Дарҳақиқат, муайян бир фуқаролик иши учун турдош судловлилик қоидаларини белгилаш жараёнида ушбу ҳуқуқий муносабатни тартибга солувчи моддий ҳуқуқ меъёрида белгиланган хусусиятлар муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этиши, унда иштирок этувчи шахсларнинг таркиби эътиборга олиниши талаб этилади. Масалан, низолашилаётган сумманинг миқдорига қараб ҳам турдош судловлилик қоидаларини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Турдош судловлилик қоидаларининг бу каби белгиланиши хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида кўплаб учрайди.



Судьяларнинг иш юкламаларини камайтириш мақсадида суд тартиб-таомилларининг соддалаштирилган процессуал шаклларини ишлаб чиқишда низосиз талаблар бўйича суд буйруғи институтидан самарали фойдаланишни кенгайтириш зарур.

Судьяларнинг иш юкламаларини камайтириш мақсадида суд тартиб-таомилларининг соддалаштирилган процессуал шаклларини жорий этишда суд мажлисига қадар тарафлар ўртасида келишув битимини тузиш орқали иш юритишни тугатишга эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Статистик маълумотларга қараганда, 2009 йилда биринчи инстанция судларида жами тамомланган фуқаролик ишларининг сони 255.896 тани ташкил этиб, шулардан 23.831 таси бўйича суд ҳал қилув қарори чиқармасдан иш юритишни тугатган. 2010 йилнинг 1-чорагида эса фуқаролик ишлари бўйича судларга келиб тушган ишлар 57.672 тани ташкил этгани ҳолда улардан 3237 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

Иш юритишни тугатишнинг Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддасида 7 та асоси мавжудлиги ва тарафлар келишув битими тузган бўлиб, у суд томонидан тасдиқланиши иш юритишни тугатиш асосларидан бири эканлигини ҳисобга олсак, ушбу кўрсаткич анча паст эканлиги маълум бўлади.

Ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида тарафларни сўроқлаш масаласига етарлича эътибор бермасликнинг асосий сабабларидан бири Фуқаролик процессуал кодексининг 159-моддасида тарафларни сўроқлашнинг процессуал тартиби ва уни расмийлаштириш, сўроқ жараёнига тарафларни чақириш ва унга риоя қилмаслик оқибатлари, шунингдек, сўроқлаш муддатига оид қоидалар белгиланмаганлиги билан изоҳланади. Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида махсус суд мажлиси ўтказишнинг тартиби ва механизмини назарда тутувчи меъёрларнинг Фуқаролик процессуал кодексининг 159-моддасида ўз ифодасини топиши ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида келишув битимлари тузилишининг кўпайишига, фуқаролик ишларини суд мажлисларида мазмунан муҳокама қилмасдан, ишларни тўғри ва оқилона муддатларда кўриш ва ҳал қилинишини таъминлашга, ортиқча суд харажатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Маълумки, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра, фуқаролик иши қўзғатиш масаласини судья ҳал қилади ва бу ҳақда суд ажрим чиқаради (Фуқаролик процессуал кодексининг 151-моддаси). Мазкур меъёрда судьянинг аризани қабул қилиш ва ишни қўзғатиш муддати кўрсатилмаган. Аризани қабул қилиш Фуқаролик процессуал кодексининг 151-моддасида кўрсатилган муҳим процессуал ҳаракат ҳисобланади. Шундай экан, мазкур процессуал ҳаракатни амалга ошириш учун қонунда, албатта, муддат белгиланиши лозим. Аризани қабул қилиш ва иш қўзғатиш бўйича процессуал муддатларнинг қонун билан белгиланиши ҳақидаги қоидалар Хўжалик процессуал кодексида ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра, судья даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида у келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай ажрим чиқаради (116-модда).

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини белгиловчи Фуқаролик процессуал кодекси жамиятда суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга, суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларни қўшимча равишда кафолатлашга хизмат қилмоқда. Фуқаролик процессуал қонунчиликнинг янада такомиллаштирилиши фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини суд орқали самарали ҳимоя қилиш имкониятини янада кенгайтиради.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари

Saboq

Солиқ мажбурияти

уни унутиш жавобгарлик келтириб чиқаради

Солиқларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг муҳим фуқаролик бурчимиздир. Аслида шу йўл билан юртимиз ривожига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Аммо ҳаётда бу бурчни «унутиб» қўядиган кимсалар ҳам, афсуски, учраб туради. Тушаётган фойда фақат ўзимники бўлса эди, деган хомхаёл, нафс қутқусига учиш уларни шу кўйга солади баъзан.

Бердақ Хожаметов якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш учун Беруний тумани ҳокимлигида давлат рўйхатидан ўтади. Тадбиркорлик ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ва бошқа тегишли ҳужжатлар асосида фаолиятини бошлаган тадбиркор аввалига рисоладагидек фаолият юритди. У айнан шу зайлда фаолиятини давом эттирганида нур устига нур бўларди. Аммо...

Афсуски, Беруний шаҳридаги «Шоббоз» деҳқон бозорида аҳолига гўшт маҳсулотларини сотиш билан шуғуллана бошлаган Бердақ яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан тўғри хулоса чиқармади. У қонун-қоидани унутиб, тадбиркорлик ниқоби остида мўмай даромад орттиришни лозим топди. Аммо қилмиш-қидирмиш деганларидек, Беруний тумани прокурорининг ҳужжатларини тафтиш ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосан олиб борилган текширишлар жараёнида унинг қилмишлари фош этилди.

Б.Хожаметов ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан жами 105 миллион сўмга яқин савдодан тушган нақд пулни назорат касса машинасидан ўтказмаган ва банкка топширмаган, аксинча, бошқа мақсадларда фойдаланган.

Бундан ташқари у Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги **«Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини янада қисқартириш чора-тадбирларини кучайтириш ҳақида»**ги қарори талаблари ҳамда савдо қоидаларини яхши билса ҳамки, ўтган вақт давомида уларни қўпол равишда бузиб келган.

Б.Хожаметов ўзига қўйилган айбга тўлиқ иқрор бўлгани ҳолда, суд ҳайъатидан қилмишидан пушаймонлиги ва оилавий аҳволини инобатга олиб енгилроқ жазо тайинлашни сўради. Жиноят ишлари бўйича Беруний тумани суди унга нисбатан қилмишига яраша жазо тайинлади. Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан Жиноят кодексининг 57-моддасига биноан Б.Хожаметов энг кам ойлик иш ҳақининг 140 баравари миқдорида жарима тўлайдиган бўлди.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам ошкор бўлади, дейдилар. Бу ҳақиқатни барча бирдек англаса, юқоридаги каби ҳолатларга ўрин қолмасди.

Зуҳра РАҲМОНОВА,
жиноят ишлари бўйича Беруний тумани судининг раиси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Мен 1-гуруҳ ногиронман. Ҳозирда бир ташкилотда ишлаяпман. Айтинг-чи, менга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкинми?

Л.КАМОЛОВ,
Узун тумани

— Ҳа, сиз бундай таътил олиш ҳуқуқига эгасиз. Меҳнат кодексининг 150-моддасида иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар ҳақида сўз юритилган. Унга мувофиқ, ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Қуйидаги ходимларга эса уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

- 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга — ҳар йили ўн тўрт календарь кунига қадар;
- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига — ҳар йили ўн тўрт календарь кунига қадар;
- икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга (234-модда);
- ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга — ҳар йили ўн тўрт календарь кунига қадар (232-модда);
- меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

— Айтинг-чи, қандай ҳолларда меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинади?

Г.АШУРОВ,
Хатирчи тумани

— Меҳнат кодексининг 99-моддасига мувофиқ, ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақли. Огоҳлантириш муддати тугагач, сўнг ходим ишни тўхтатиши мумкин, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ёки тарафлар келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим берган аризани қайтариб олишга ҳақлидир. Агар огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза у ўз ишини давом эттиришининг имкони йўқлиги (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайланганлиги ва бошқа ҳоллар) билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди

Fuqarolik qonunchiligi

Давлат божи

у қандай ҳолларда ундирилади?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу билан бирга Фуқаролик процессуал кодексининг 108-моддасида давлат божини қайтариб бериш шартлари ҳам баён этилган бўлиб, унга кўра, бир неча ҳолатда, жумладан, қонун ҳужжатлари бўйича талаб қилинганидан ортиқ бож тўланган бўлса, ариза (шикоят)ни қабул қилиш рад этилса, ариза (шикоят)лар Фуқаролик процессуал кодексининг 154-моддасида назарда тутилган асослар бўйича даъвогарга қайтарилса, давлат божи ҳам қайтариб берилади. Давлат божини қайтариш суд ажримига асосан молия идоралари томонидан амалга оширилади.

Солиқ кодексининг 329-моддасида давлат божини тўлашдан озод қилинган шахслар ҳақида баён этилган. Шунинг билан бирга, Фуқаролик процессуал кодексининг 110-моддасида суд фуқаронинг мулкий аҳволига қараб, уни давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашдан озод қилишга ҳақли эканлигига оид меъёр ҳам белгиланган. Ушбу кодекснинг 111-моддасига кўра, суд тарафларнинг мулкий аҳволига қараб, улардан бирининг ёки иккаласининг давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек, бу харажатларнинг миқдорини камайтириши мумкин.

Суд амалиётида ушбу қонун талабларига аксарият ҳолларда риоя этилаётганига қарамай, бу борада камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Масалан, даъвогар Х.Холиқов жавобгар Э.Одиловга нисбатан қарзни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Биринчи инстанция суди 2010 йил 24 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантирган. Яъни жавобгардан даъвогар фойдасига 8 миллион сўм қарз ва 200 минг сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Суднинг мазкур ҳал қилув қарорига нисбатан жавобгар Э.Одилов томонидан кассация шикояти келтирилиб, унда иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиб янги ҳал қилув қарори чиқариш сўралган. Шунингдек, ҳал қилув қарорига нисбатан туман прокурори томонидан кассация протести келтирилиб, унда ҳал қилув қарорини қисман ўзгартириш масаласи қўйилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти суди кассация инстанциясининг 2010 йил 8 июндаги ажрими билан жавобгар Э.Одиловнинг кассация шикояти рад этилиб, туман прокурорининг кассация протести қаноатлантирилган. Яъни иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорининг давлат божини ундиришга оид қисми ўзгартирилиб, жавобгардан давлат фойдасига 1.600.000 сўм ундириш белгиланган. Сабаби, Вазирлар Маҳкамасининг **«Давлат божи ставкалари ҳақида»**ги қарорига асосан ундирилаётган сумманинг 20 фоизи миқдорида давлат божи ундирилиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, давлат божи мамлакатимизда одил судловни амалга оширишда қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Бинобарин, фуқаролар суд идораларига мурожаат қилишда қонун талабларидан, шу жумладан, давлат божини тўлашга оид меъёрлардан бохабар бўлиши, унга риоя этиши мақсадга мувофиқдир.

Рўзибой РАСУЛОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг судьяси

мезони

Табиийки, уй-жойнинг эгалик ҳуқуқини қўлга киритган Н.Соқиева оиласи билан ушбу хонадонда яшай бошлайди. Даволанишдан қайтган И.Ҳакимов эса йиллаб умргузаронлик қилиб келган уй-жойининг ўзгалар томонидан эгаллаб олинганини кўриб, танг аҳволда қолади.

Шундан сўнг фуқаролик ҳақ-ҳуқуқлари бузилганлигини англаган И.Ҳакимов судга мурожаат этади.

Айтиш керакки, амалдаги Фуқаролик кодексининг 12-моддаси, 1-қисмига асосан давлат органи ёки фуқароларнинг, шунингдек, ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан кўриб чиқилади.

Суд ушбу қонун талабидан келиб чиқиб, томонларнинг фикрларини муҳокама қилди, даъвогар И.Ҳакимовнинг жавобгарлар Термиз шаҳар ҳокимияти, фуқаролар Сабоҳат Рамазонова, Нодира Соқиеваларга нисбатан Термиз шаҳар ҳокимининг 2007 йил 29 декабрдаги 1394-сонли, 2008 йил 8 февралдаги 109-сонли қарорларини, Термиз шаҳар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идораси томонидан расмийлаштирилган С.Рамазонова ҳамда Н.Соқиева ўртасидаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш билан бирга Нодира Соқиева ва унинг оила аъзоларини 5-кичик даҳа, 42-уй 2-хонадондан мажбурий тартибда чиқариш, даъвогар И.Ҳакимовни эса хонадонга киритиб қўйиш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Шу тариқа узоқ вақтдан буён чўзилиб келаётган низоли иш судда қонуний ечимини топди. Хўш, бу низоли ишнинг келиб чиқишига нима сабаб бўлди?

Англаганингиздек, амалдаги қонун талабларига амал қилмаслик, ўзибўларчилик ушбу низони келтириб чиқарган.

Ҳолбуки, қонун барчага бирдай баробардир, унга амал қилиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Шундай экан, ҳар бир ишимизда адолат мезонига таянсак, адашмаймиз.

Раҳматулла ҒУЛОМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

Бировнинг ҳақи

у ўзгага буюрмайди

Маълумки, амалдаги қонунларимизда мулк ҳуқуқи дахлсизлиги кафолатланган. Жумладан, Бош қомусимизда эътироф этилганидек, барча мулк шакллари тенг ҳуқуқли ва улар ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза қилинади.

Айни шу меъёрларнинг амалда жорий этилиши, жамиятимизда мулк ва мулкчиликка бўлган янгича муносабатнинг қарор топишига, бозор ислоҳотларини муваффақиятли амалга оширишга кенг йўл очди. Бу, ўз навбатида, хорижий давлатлар билан ўзаро тенг иқтисодий муносабатлар мустаҳкамланишига замин яратди. Бундай омиллар юртимиз иқтисодий салоҳиятининг янада юксалиши ва жаҳон миқёсида ўзига хос ўрин эгаллашида муҳим аҳамият касб этаётир.

Айтиш керакки, иқтисодий жиҳатдан ривожланиб борган сари муваффақиятлар билан бирга айрим жиноий хатти-ҳаракатлар ҳам учраб туради. Суд амалиётидан маълумки, иқтисодиёт соҳасида рўй берадиган жиноятлар кўп қирралилиги, мураккаблиги ва ижтимоий хавфлилиги билан бошқа жиноятлардан фарқ қилади. Хусусан, товламачилик, талончилик жиноятлари каби фирибгарлик ҳам ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятларидан бири ҳисобланади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Qadriyat

Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан!

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ҳар гал эрта баҳорда, табиат энди жонлана бошлаган паллада даставвал ердан ниш уриб, қахратоннинг қаърини ёриб, кўклам даракчиси — бойчечак ўсиб чиқади. Шу боис халқимиз бу гиёҳни кўкламнинг хабарчиси, тимсоли деб ардоқлаган ва у билан боғлиқ кўплаб қўшиқлар яратган. Қадимда айнан мана шу тасаввурларни бирлаштириб турадиган «Бойчечак» деган маросим ҳам бўлган. Бу мавзудаги баъзи бир қўшиқлар ва маросимлар ҳозирги кунларда ҳам деярли барча вилоятларда маросим кўринишида ва қўшиқ шаклида сақланиб қолган.

Наманган вилоятидан ёзиб олинган маълумотларда келтирилишича, бойчечак чиқиши билан болалар қир-адирларга уни тергани чиққан. Сўнг бойчечакларни кўтариб уйма-уй юриб, ҳар бир хонадон дарвозасига келганда:

Бойчечак айтиб келдик
эшигингизга,
Қўчқордай ўғил берсин
бешигингизга, —

дея бойчечак қўшиғини айтишган. Қолган болалар эса унга жўр бўлганлар:

Бота, бота бойчечак,
Уйингизга чоч тилло,
Илойим ўғил берсин,
Отгинаси Раҳматулла.

Уй эгаси уларга пешвоз чиқаётганда эса:

Ўтириб чиқинг,
Ёғоч товоқни
тўлдириб чиқинг, —

деб куйлаган. Уй эгаси болалар келтирган бойчечакни кўриб, кўкламга етказганига шукрона келтирган, уни олиб кўзларига суртган. Бойчечак айтиб келган болаларга эса кўнглидан чиқарган ҳадяларини берган. Болалар бойчечак қўшиғини айтиб, уйма-уй юриб чиқишгач, йиғилган ҳадяларни жўрабоши ҳамма болаларга теппа-тенг бўлиб чиққан. Бу бойчечак маросими билан боғлиқ биргина саҳна.

Бойчечак маросимини ўрганишга оид тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қадимда бу маросим қиш ва кўкламнинг курашини ифодалаган. Тилшунос аллома Маҳмуд Қошғарийнинг қиш ва кўклам мунозараси ҳақидаги сатрларини эслайлик:

Қиш ёз билан тўқнашди,
Қаҳрга тўлиб қарашди.
Кураш учун яқинлашди,
Енгаман деб олишар.

Бу сатрлар, биринчидан, қиш ва кўклам кураши ҳақидаги тасаввурлар акс этган қадимий қўшиқлар Қошғарий замонида ҳам мавжуд эканлигидан далолат берса, иккинчи томондан, у бойчечак маросими қўшиғига уйғун эканлиги билан ҳам эътиборга моликдир.

Қиш узоқ чўзилиб, кўклам келиши интиқлик билан кутилганда бойчечак маросими ўтказилган. Бу маросим одамлар ҳаётида муҳим саналган ва унга махсус тайёргарлик кўрилган. Маросимда сўз компонентининг нисбатан тугал ҳолатда сақланиб қолганлиги шундан дарак беради. Даставвал катталар ижросида ўтказилган бу маросим кейинчалик болалар фольклори кўринишини олган. Зеро, унутилган кўпгина маросимларнинг излари айнан болалар фольклори таркибида сақланиб қолади.

Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди,
Айронингдан бермасанг,
Қозон товоғинг вайронди.
Қаттиқ ердан қаталаб
чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб
чиққан бойчечак.

Бойчечак қўшиғини куйлаётган болакайлар бойчечакнинг қиш қўнжидан қандай қийинчилик билан чиққанини ҳикоя қилишмоқда. Яъни бойчечакни ер тагида ушлаб турган куч қиш эди. Қиш ҳукмдор пайти ҳаммаёқ қозон тўла айрондек қор билан қопланган эди. Бойчечаклар ниш ўриб, кўклам келадиган вақт яқинлашди. Айрон-қорлар ерга сингиб, бойчечаклар юмалаб бош кўтарди.

Бойчечак тутган болалар уйма-уй юриб, хонадонлардан қишни ҳайдаганлар. Маросим қанчалик тантанали ўтса, унда куйланган кўкламни улуғловчи қўшиқлар қанчалик баланд куйланса, қиш шунчалик тез хонадонларни тарк этган. Кўклам чечаги бойчечак эса хонадонларга шод-хуррамлик, бахт ва омад, тўкинлик ва барака олиб келади, деб тасаввур қилинган. Хонадон эгалари бойчечак келтирган болаларга қишни қувиб ҳайдаб, уйига кўкламни олиб келгани учун совға-салом улашган. Бойчечакни кўриб қувониш, уни кўзига суртиш кўклам-бойчечакнинг ғалабасини, қиш тугаб, баҳор бошланганини англатган.

Аждодларимиз нима учун бундай маросимларни ўйлаб топган ва улар театрлаштирилган ҳолатга келтирилган?

Бу ҳолатни аждодларнинг авлодларга ўз тажрибаларини, билимларини оғзаки шаклида етказиш воситаси деб тушуниш керак. Ахборотларнинг яхлит бир маросим сифатида келиши кўрган кўзга, эшитган қулоққа ва хотирага осон сингийди. Иккинчи томондан, ҳар қандай маросим — жамоавий тадбир. Одамлар бир эзгу ният билан бирлашса, уларда жуда катта қувват жамланади.

Аждодларимизнинг ана шундай эзгу ниятлари рўёбга чиқди. Наврўз ва у билан боғлиқ қадриятлар асрлар оша боқий яшаб, авлодларни комилликка етакламоқда, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамламоқда. Табиат янгиланаётган, боқий байрамимизнинг нафис насимлари эсаётган шу кунларда бойчечак териб, бир-бирига омонлик тилаётган халқимиз ота-боболарнинг бой тафаккури маҳсули бўлган бу бебаҳо меросга қайта-қайта мурожаат этмоқда. Бу анъана бундан кейин ҳам давом этади. Яна неча-неча авлодлар маънавиятимизнинг ушбу бебаҳо сарчашмаларидан катта руҳий қувват олиб, маънан ва жисмонан юксалиб, хайрли ишларга чоғланаверади.



Жаббор ЭШОНҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди

Turmush chorrahalarida

Намуна

Маҳалламизда дамбадам жанжал бўлиб турадиган бир хонадон бор эди. Рости гап, эр-хотиннинг кунора жанжал кўтаришидан ҳамма безиб қолган эди. Энг ачинарлиси, эр ичкиликка муккасидан кетган, ҳар куни хурмачаси тўлгунча ичиб олгач, уят-у андишани ҳам бир четга йиғиштириб қўйиб, хотини билан жанжал кўтарарди. Буёғини сўрасангиз, хотини ҳам шунга «яраша» — бетга чопар, маҳаллада у уришмаган кўшни қолмаганди.

Қисқаси, маҳалладагилар бу оиланинг остонасини ҳатлаб ичкарига қадам босмасди. Сир эмас, шундай оилада ўсган боланинг тарбияси ҳам, одоб-ахлоқи ҳам ўзига яраша бўлади. Шу маънода бу оиланинг қизи Намуна ҳар доим турли хил миш-мишларга «мавзу» эди.

Бир куни уйимизга қўшни маҳалладан уч-тўрт нафар киши келиб, токнинг остини юмшатаётган отамдан Намуна ҳақида сўраб-суриштиришга тушишди. Кейин улар ҳовлимиздан аллақандай мамнун қиёфада чиқиб кетишди. Кўп ўтмай Намунанинг тўйи бўлди...

Орадан анча йиллар ўтди. Мен улғайиб институтни ҳам тугатдим, шаҳар шифохонасида жарроҳ бўлиб ишлай бошладим. Одатдаги иш кунларининг бирида хонамга дид билан кийинган, истараси иссиқ бир жувон ўғилчасини етаклаб кириб келди. Тортинчоқлик билан салом берди. Мен аёлга синчиклаб назар сола туриб, туйқус таниб қолдим: у ўша Намуна эди.

— Тақдирим қўшилган экан, яхши оилага келин бўлиб тушдим, ўзимдан тиниб-тинчиб кетдим, — дея гап бошлади у. — Хўжайиним ҳар доим кўнглимга қарайди, бир ўғил, бир қизимиз бор. Қайнота-қайнонам ўқимишли, тушунган кишилар, мени ҳам ўқитишди, ҳозир ишим яхши. Бизнинг оиламизни, отамни ҳам, ойимни ҳам яхши биласиз... Қизиғи, менинг фотиҳа тўйимдан сўнг отам бирдан ўзгарди, ичишни ташлади, бизга, онамга меҳрибон бўлиб қолди. Онам ҳам беҳуда жанжал кўтаришни, одамларнинг кўнглига озор беришни йиғиштирди. Шундан сўнг оиламизга барака кирди. Отам ҳар доим дастурхон атрофида ўтирганимизда ўтган умридан, йўл қўйган хато-камчиликларидан қаттиқ афсусланади, бизга панд-насиҳат қилади.

Буларнинг барини сизга нега айтиб бераётганимнинг сабабини биласизми?! Йўқ, билмайсиз. Гап шундаки, ота-онамнинг инсофга келиши, менинг ҳаётда ўз ўрнимни топиб кетишимга бир кишининг беминнат яхшилиги сабаб бўлган. Ўша инсон — сизнинг отангиз эди. Ҳозир раҳматли отангизни кўп эслайман, ҳақларига дуо қиламан. У киши сабабчи бўлмаганларида, тақдирим қандай кечар эди, билмадим. Ўшанда бўлажак қайнотам маҳалламизга келиб отангизга учрашибди. Отангиз ёмонимни яшириб, яхшимни ошириб гапирган эканлар. Жойлари жаннатдан бўлсин, илойим...

Кўнглим алланечук бўлиб, Намунани эшиккача кузатиб қўйдим.

— Айтганча, — деди Намуна опа кетаётиб, — ўғилчамни отангизнинг исми билан Даврон деб атаганмиз...

Муҳиддин ПОЛВОН

Гиёҳвандлик, наркотик моддалар савдоси жамиятдаги тинч ва осойишта ҳаётга, соғлом турмуш тарзига хавф солувчи иллат ҳисобланади. Заҳри қотил саналмиш гиёҳванд моддалар дунёда қанчадан-қанча инсонларнинг ёстиғини қуритаяпти, оилаларни пароканда қилмоқда. Бу гирдоб ўз домига айрим ёшларни ҳам тортаётгани эса ачинарли ҳол.

Qilmish-qidirmish

Гиёҳвандлик аср вабоси

Энг ёмони, айрим нафсига қул кимсалар инсоният ҳаётини заҳарлаш орқали гиёҳванд моддалар савдоси ортидан бойлик орттиришга ҳаракат қилмоқда. Шундай кимсалардан бири андижонлик Т.Қорабоевдир. Аслида, аввал унинг ҳаёти ҳавас қилгулик эди. Деҳқончилик орқасидан рўзғорини тебратиб, тинч-тотув яшаётганди. Нафс балоси уни боши берк кўчага киритиб қўйди.

Гап шундаки, бир куни даладан қайтаётганида унинг диққатини таркибида гиёҳванд моддалари бор бўлган ўсимлик - «каннабис» тортди. Осон пул топишни кўзлаган Т.Қорабоев ими-жимида уни териб уйига олиб келди. Сўнг «топилма»сини қуритиб, елим халтачаларга жойларкан, уни пулга чақиб кўриб, хурсанд бўлиб кетди. Шундан сўнг унинг далада ишлашга бўлган иштиёқи ҳам сўнди.

2010 йилнинг январь ойида у А.Мамадалиев билан танишиб, унга «каннабис»ни таклиф қилди. Дори хуморида юрган бу кимсага унинг таклифи мойдек ёқиб тушди. 8 январь куни ҳамтовоқлар учрашиб, «савдо»ни пишитдилар.

Буни қарангки, А.Мамадалиев ҳам «оқ ажал»ни пул қилиш йўлига ўтди ва «каннабис»га харидор излади. Яхшиямки, бу гал у ниятига етолмади. У Балиқчи туманидаги «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғинида кетаётганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинди. Шу жойнинг ўзида ходимлар иштирокида А.Мамадалиев тинтув қилинганида унинг ёнидан 10 дона гугурт қутисидаги ва битта елим халтачадаги гиёҳванд моддаси топилди.

Олиб борилган суриштирув ишлари натижасида Т.Қорабоев ҳам қўлга олинди. Холислар иштирокида унинг уйи кўздан кечирилганида 18 килограмм 734 грамм таркибида фаол гиёҳванд моддаси бор «марихуана» топилди. Жиноят ишлари бўйича туман суди ушбу жиноят ишини атрофлича ўрганиб чиқиб, жиноятчиларга қонуний жазо тайинлади.

Албатта, гиёҳвандликни аср вабоси, деб бежиз айтилмайди. Шу боис ҳам унга қарши курашиш долзарб аҳамиятга молик. Бу борада ўзаро ҳамжиҳатлик, айниқса, жамоатчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ходимлари ҳамкорлигининг аҳамияти беқиёс.

Улуғбек КАРИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Балиқчи тумани судининг раиси

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

Бировнинг ҳақи у ўзгага буюрмайди

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Амалдаги қонунларимиз талабига кўра, фирибгарлик жиноятининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулки ёки мулкига бўлган ҳуқуқи айбдор томонидан қўлга киритилади.

Жиноят кодексининг 168-моддасида фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш жиноятини содир этган шахслар учун аниқ жазо чоралари назарда тутилган.

Суд амалиёти шуни кўрсатадики, бу турдаги жиноятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омиллардан бири — бу фуқароларнинг мулк ҳуқуқига оид тушунчалари етарли эмаслиги билан изоҳланади. Айнан шунинг оқибатида мулкий муносабатлар қонунда белгиланган тартибда амалга оширилмайди ва охир-оқибат фуқаро фирибгарнинг алдовига тушиб қолиб, жабр чекади. Бундай жиноий қилмишларни баъзи ғараз ниятли кимсалар тирикчиликнинг асосий манбаига айлантириб олгани ҳам сир эмас.

Шу ўринда жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судлари томонидан кўрилган фирибгарликка оид ишларнинг қисқача таҳлилига назар ташласак, 2010 йил давомида кўрилган ишлар бўйича 227 ҳолатда фирибгарлик жиноятини содир қилган кимсаларга қонунда белгиланган жазо тайинланган.

Айтиш керакки, ҳаётда ҳар бир ёлғоннинг бир кун келиб албатта, миси чиқади, фирибгар кимса эл орасида шармисор бўлади. Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди томонидан судланган хавфли рецидивист У.Муродовнинг жиноий қилмиши бу фикримизни тасдиқлайди. Бу кимса муқаддам Жиноят кодексининг 168-моддаси билан боғлиқ жиноят содир этгани учун бир неча марта жавобгарликка тортилганига қарамай у бундан ўзига тегишли хулоса чиқармади. Аксинча, яна жиноят йўлига кирди. У Андижон шаҳрида танишиб қолган Ш.Турғунованинг содда ва ишонувчанлигидан фойдаланиб, унга катта миқдорда мулкий зарар етказди. Аниқроқ айтганда, у аёлга уйланишини айтиб, ишончни суиистеъмол қилади ва унинг тилла занжири, тилла узуги ҳамда «Nokia» русумли телефонини, жами 1.450.000 сўмлик мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритади.

Шундан сўнг У.Муродов фирибгарлик йўли билан қўлга киритган тақинчоқ ва буюмларни сотиб, пулларни ўз эҳтиёжи учун сарфлайди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг ҳукмига кўра, У.Муродов Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан айбли деб топилиб, унга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Бошқа бир мисолнинг «қаҳрамон»и И.Аҳмедов 2008-2010 йиллар давомида бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, фуқароларни ўқишга олиб кириб қўйиш ва автосалондан ҳар хил русумдаги автомашиналар олиб беришни айтиб, 13 нафар фуқародан жами 29.300 АҚШ доллари ва 141,5 миллион сўмга яқин пулни фирибгарлик йўли билан қўлга киритади.

Аммо улар ўзларининг жиноий мақсадларига етолмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг тезкор саъй-ҳаракати билан фирибгарларнинг қилмишига чек қўйилди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг ҳукмига кўра, И.Аҳмедов Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан айбли топилиб, унга 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

2001 йил 29 августдаги **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонунга асосан бир қатор иқтисодий жиноятлар бўйича, шу жумладан, фирибгарлик жинояти бўйича ҳам етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда айбдор шахсларга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган. Айтиш керакки, қонунда белгиланган ушбу бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойили ўз қилмишининг моҳиятини тушуниб, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаган айбдорга енгиллик берилишини, иккинчи томондан, жабрланувчининг ҳам қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминламоқда.

Шу ўринда яна мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, С.Раҳмонов бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, фуқаро А.Ботировга Корея давлатидан экскаватор олиб келиб беришни айтади ва унинг 23.000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритади.

Жиноят ишлари бўйича Булоқбоши тумани судининг ҳукмига кўра, С.Раҳмонов Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбли деб топилди. Суд С.Раҳмоновга жазо тайинлашда етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини эътиборга олиб, Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисмига асосан, унга 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Гувоҳи бўлганингиздек, ёлғоннинг умри қисқа. Фирибгарлик билан одамларга мулкий зиён етказиш ҳеч қачон изсиз кетмайди. Бундай қилмишни содир этган кимса, албатта, қонуний жазога тортилади.

Шунингдек, фирибгарлик жиноятлари аксарият ҳолларда ишонувчанлигимиз, ўзимизнинг ҳақ-ҳуқуқимизни пухта билмаслигимиз ва қонунларга тўлиқ амал қилмаслигимиз туфайли содир бўлади.

Демак, ҳаётда ҳар бир ишга қонун нуқтаи-назаридан ёндашишимиз фирибгарлик сингари жиноий қилмишларнинг олдини олишга хизмат қилишини унутмаслигимиз лозим.

Дилшод ТОЖИБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судининг раиси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Алибек ЭРГАШЕВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-318. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 8656.
2 3 4 5 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰